

**ЎЗБЕКИСТОН  
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ  
АХБОРОТИ**

---

**55 – жилд**

---

**\* \* \***

**ИЗВЕСТИЯ  
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**55 – том**

---

**Тошкент-2019**

Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 55-жилд.

Илмий журнал. - Тошкент, 2019. – 262 бет.

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг 55-жилдида табиий география, геоэкология ва табиатдан фойдаланиш, иқтисодий ва ижтимоий география, топонимика ва география ўқитиш методикаси, қуруқлик гидрологияси, метеорология ва иқлимшунослик ҳамда геодезия ва картографияга тааллуқли мақолалар, таниқли географларнинг юбилейлари ва хотираларига оид лавҳалар жой олган.

**Таъсисчи:** Ўзбекистон География жамияти

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг таҳрир хайъати:**

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.д., доцент*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.н., профессор*

*г.ф.д., доцент*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.н., доцент*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.н., доцент*

*г.ф.д., профессор*

*г.ф.д. (DSc), доцент*

*г.ф.д., профессор*

*т.ф.д., доцент*

*г.ф.д., доцент*

*г.ф.н., доцент*

*г.ф.н., доцент*

**Ҳикматов Ф.Ҳ. (бош муҳаррир)**

**Аббасов С.Б.**

**Абдуллаев А.Қ.**

**Абдулқосимов А.А.**

**Алибеков Л.А.**

**Ата-Мирзаев О.Б.**

**Ахмадалиев Ю.И.**

**Баратов П.**

**Камолов Б.А.**

**Қаюмов А.А.**

**Миракмалов М.Т.**

**Мирзалиев Т.М.**

**Назаров М.И.**

**Нигматов А.Н.**

**Рахматуллаев А.Р.**

**Сабитова Н.И.**

**Сафаров Э.Ю.**

**Турдимамбетов И.Р.**

**Шарипов Ш.С.**

**Эгамбердиев А.Э.**

*(масъул котиб)*

**Техник котиблар:**

*г.ф.ф.д. (PhD)*

**Қурбонов Ш.Б.**

*г.ф.ф.д. (PhD)*

**Федорко В.Н.**

Галватера 1935 йилда рус археологи В.Д.Жуков томонидан топилган. 1964 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Чорбоғ археология гуруҳи томонидан казиш ишлари олиб борилганда, у ердан IV-XII асрларга тааллуқли қизил лой билан ишланган қадимий кўзалар, бугдой янчадиган тошдан ишланган анжомлар ҳамда ҳайвонлар суяклари топилган. Бошқа казиш ишлари олиб борилмаган. Маҳаллий аҳолининг айтишига қараганда, бу тепалик қишлоқ аҳолиси учун тарихий ёдгорликка айланиб қолган жой ҳисобланар экан.

**Хулоса** қилиб шуни айтиш мумкинки, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги табиий, тарихий, археологик ёдгорликларидан бугунги кунга келиб, туризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш имконияти катта. Таъкидлаб ўтиш лозимки, табиий, тарихий-маданий ёдгорликлар бир-биридан табиий географик ўрни ва ўзига хос тарихий жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади. Бу сингари, туристик объектларни мукамал ўрганиш борасида тадқиқот ишлари йўлга қўйилмоқда десак муболаға бўлмади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маматкулов М., Орипов К. Ўзбекистон ғорлари. - Т.: 1978.
2. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” I жилд. Ўсимликлар ва замбуруғлар. - Т., 2009.
3. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” II жилд. Ҳайвонот олами. - Т., 2009.
4. Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги Туризм бўлимнинг 2018 йил маълумотлари.

**Эргашева М.К.\***

### **ЎЗБЕКИСТОНДА АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда антропоген ландшафтишуносликнинг алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиш тарихи ҳамда Зарафшон ботиғи ландшафтлари ва геоэкологиясининг айрим масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** ландшафтишунослик, антропоген ландшафтлар, антропоген ландшафтишунослик, илмий мактаб, маданий ландшафт.

#### **Развитие антропогенного ландшафтоведения в Узбекистане**

**Аннотация.** В статье освещена история формирования антропогенного ландшафтоведения в Узбекистане как отдельного научного направления, а также рассмотрены некоторые вопросы ландшафтов и геоэкологии Зарафшанской котловины.

**Ключевые слова:** ландшафтоведение, антропогенные ландшафты, антропогенное ландшафтоведение, научная школа, культурный ландшафт.

#### **The development of the science of antropogenic landscape**

**Abstract.** There is the issues of scientific branches of landscaping science in Uzbekistan whilst the illumination of Zarafshan depth landscapes with the work of geoecology in this article.

**Key words:** ландшафтоведение, антропогенные ландшафты, антропогенное ландшафтоведение, научная школа, культурный ландшафт.

**Кириш.** Ўзбекистонда антропоген ландшафтишуносликнинг объекти, предмети ва йўналишлари ҳамда ривожланишига асос бўлган соҳаларда илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Жумладан, ландшафтишунос олимлар А.Абдулқосимов ва Ш.С.Зокировларнинг тадқиқотлари мисол бўлади. Мазкур олимлар томонидан нашр этирилган асарларда антропоген ландшафтишуносликнинг назарий ва амалий масалалари ёритилган.

**Ишнинг мақсади.** Ўзбекистонда антропоген ландшафтишуносликнинг объекти, предмети ва амалий аҳамияти тўғрисида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг йўналишлари бўйича мулоҳаза ҳамда муносабат билдиришдан иборат.

**Асосий қисм.** XXI асрга келиб инсон ва у ҳаёт кечирадиган табиий муҳит орасида рўй бераётган ўзаро алоқалар кўлами янада кенгайиб, табиий ландшафтларнинг ўзгариши тезлашмоқда. Оқибатда бу ўзаро таъсир жараёнида улар ўртасида мунтазам рўй бериб турган “модда алмашинуви” мураккаб ва кўп ҳолларда қарама-қарши тарзда давом этмоқда. Академик В.П.Максаковский

\* **Эргашева Мавжуда Комилжоновна** - Бухоро давлат университети, тупроқшунослик ва география кафедраси таянч докторанти

таъкидлаган “модда алмашинуви”даги янги - сифат босқичи, яъни жамиятнинг табиатга “тайзиқи” кучайган даврда табиий муҳит турли чиқинди моддалар билан ифлосланди, заҳарланди ва инсон ҳаёти учун хавfli экологик вазиятлар юзага келди [10]. Бундай глобал, серкирра, мураккаб муаммоларни ландшафтшуносликда шаклланган ландшафт таълимоти, антропоген ландшафтшунослик ва амалий ландшафтшунослик таълимотлари орқали ҳал этилиши мумкинлигини географ олимлар эътироф этишган. Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳаларда узоқ йиллардан бери географ олимлар томонидан назарий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг натижалари ихтисослашган кенгашлар фаолиятида, илмий конференция материалларида, нашр этилган монография ва ўқув қўлланмаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, олимларимизнинг антропоген ландшафтшуносликдаги тадқиқотлари Ўзбекистон табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари, атроф муҳит мониторинги ва унинг муҳофазаси, хўжалик объектларини географик экспертдан ўтказиш каби долзарб вазифаларни камраб олган.

Маълумки, мамлакатимизда ландшафтшуносликнинг вужудга келишида Москва, Санкт-Петербург, Воронеж ландшафтшунослик илмий мактабларининг аҳамияти катта бўлган. Бу соҳада табиий география, ландшафтшуносликка оид нашр қилинган кўплаб мақола ва рисоаларда уларнинг муаллифлари томонидан муносабат билдирилган. Жумладан, Ландшафтшунослик ўқув қўлланмасида келтирилган қуйидаги сатрлар мазкур хулосаларимизни яна бир бор тасдиқлайди. “Ўзбекистонлик географлар орасида ландшафтшунослик масалаларига бўлган қизиқиш 1960 – 1970 йилларда янада авж олди. Бу вақтда бир қатор ёш ҳамюртларимиз Москва, Санкт-Петербург, Киев, Воронеж, Львов, Қозон каби шаҳарларга бориб аспирантурада таҳсил олдилар, диссертация ёзиб, ҳимоя қилиб қайтдилар. П. Ғуломов, М. Умаров, Ю. Султонов, А. Саидов, С. Нишонов, А. Абдулқосимов, Л. Алибеков, Т. Аллаберганов, Т. Жумабоев, А. Рафиқов, М. Қузибоев, Ш. Эргешовлар шулар жумласидандир” [ 6; 7].

Албатта, XX асрнинг сўнги ўн йилларида МДХ мамлакатларида илм-фан соҳаси ривожидан ҳам қийинчиликлар рўй берди. Кўпгина мамлакат олимлари сингари олимларимизнинг Россиядаги йирик илмий марказлар билан ҳамкорликлар бироз секинлашди. Таниқли олим А.Г.Исаченко юқоридаги илмий алоқаларнинг пасайиши ландшафтшунослик тарихининг янги босқичидаги салбий ҳолат деб қайд этган [8].

Ҳолбуки, юртимизда географик тадқиқотлар ўз изнида давом этмоқда. Юқоридагилар жумладан, ландшафтшуносликдаги илмий изланишларни давом этишида тўсиқ бўла олмади. Таниқли олимлардан Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, П.Ғуломов, М.Умаров, Ю.Султонов, А.Абдулқосимов, Ш.С.Зокиров, П.Баратов, Ҳ.Ваҳобов, А.Ниғматов, И.Қ.Назаров, Н.Сабитова каби ўндан ортиқ олимлар томонидан асос солинган йўналишлар асосида илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий университети (Ш.Шарипов, Р.Ибрагимова), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (Н.Алимқулов, И.Абдуллаев), Бухоро давлат университети (Х.Р.Тошов) каби мамлакатимизнинг олий таълим муассасидаги географлар олиб бораётган изланишлар мисол бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳозирги кунгача Ўзбекистон география жамияти ва олий таълим муассасаларидаги география кафедралари ташаббуслари билан география фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб илмий анжуманлар ўтказилди, илмий тўпламлар нашр қилинди. Шунингдек, антропоген ландшафтшунослик йўналишларида монографиялар, ўқув қўлланмалар нашр қилинди. Шуларни инобатга олиб, уларга тегишли бўлган айрим соҳалар ҳақида муносабатлар билдиришни лозим деб топдик.

Антропоген ландшафтшунослик мамлакатимизда ландшафтларга, умуман олганда табиий географик комплексларга антропоген таъсирнинг ортиши шароитида ва табиатдан самарали фойдаланиш муаммоларини ечишга қаратилган тадқиқотларнинг кучайиши даврида вужудга келди ва тезда оммалашиб кетди. Антропоген ландшафтшуносликнинг объекти антропоген ландшафт ҳисобланади. Антропоген ландшафтлар таърифи ландшафт таърифидек мураккаб ва серкиррадир. Масалан, Москва давлат университети олимлари ландшафтнинг 60 ортиқ талқини мавжудлиги эътироф этганлар. Шунингдек, Ф.Н.Милков антропоген ландшафтларни синфларга ажратган бўлса, мазкур олийгоҳ олимлари эса антропоген ландшафтларни 5 типини ажратганлар. Ф.Н.Милков асосий белги сифатида инсон фаолиятининг тури ва ландшафтларда қай даражада акс этганини ҳисобга олишни тавсия этади ва саноат ландшафтлари, йўл ландшафтлари, қишлоқ хўжалик ландшафтлари каби 8 хил ландшафт синфини ажратади. Унда антропоген ландшафтлар синфи, ўз навбатида, кичик синфларга, масалан, қишлоқ хўжалик ландшафтлари деҳқончилик ландшафтлари, боғборчилик

ландшафтлари, ўтлоқ-яйлов ландшафтлари кабиларга бўлинади. Улар ҳам ўз навбатида, қайси ландшафт зонасида жойлашганлигига қараб турларга бўлиниб кетади. Ш.С.Зокировнинг ҳаммуаллифликда чоп этилган “Ландшафтшунослик” ўқув қўлланмасида Ф. Н. Милков тавсия этган антропоген ландшафтлар таснифида унинг объекти бўлиб ландшафт ҳисобланган бўлса, кейинги бўлинишда эса жой турлари ва урочище турлари ажратилиши мунозарали эканлигини қайд этилиб, ландшафтлар ҳам, жой турлари ҳам, урочищелар ҳам алоҳида-алоҳида ўз таснифига эга бўлиши лозим деб кўрсатиб ўтилган [ 6; 7].

Антропоген ландшафтшуносликнинг назарий ва амалий масалалари И.Қ.Назаров асарларида ҳам тавсифланган. Айниқса, олимнинг “География фанининг асосий муаммолари” ўқув қўлланмасида чўл зонаси ландшафтлари инсон томонидан ўзгартирилганлик даражаси бошқа зоналардан тубдан фарқ қилишини ҳисобга олиб, иккита кичик зоначага ажратган ҳамда маданий ландшафтларни яратишнинг 9 та тамойили таклиф этилган. Муаллиф “Маданий ландшафтларни маданиятли кишилар яратади” деган мантикий хулосага келган [ 11; 145-147 б.].

Самарқанд давлат университети географлари томонидан антропоген ландшафтшунослик соҳаларидаги ишларни ҳам кўрсатиш ўринлидир.

Айниқса, география фанлари доктори, профессор А.Абдулқосимов мамлакатимизнинг том маънода антропоген ландшафтшунослигининг етакчисиدير. Олимнинг салкам олмиш йиллик илмий фаолияти бевосита шу соҳанинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган. А.Абдулқосимов 500 дан ортиқ илмий нашрлар муаллифи. Ландшафтларни вужудга келишида антропоген омилларнинг аҳамияти ҳамда уларни таснифлашга бағишланган илмий мақолалари нашр этилганидан сўнг, салкам олтиш уч йил давомида олимнинг мазкур йўналишдаги тадқиқотлари кўлами кенгайиб, мазмунан бойитилди [1; 2].

А.Абдулқосимовнинг дастлаб 1983 йилда кейинчалик ҳаммуалифлари билан 2015 ва 2017 йилларда нашр қилинган монографияларида антропоген ландшафтшуносликнинг долзарб масалалари ёритилган [3;4;5]. Жумладан, уларнинг “Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари ва геозологияси” номли ҳаммуаллифликда ёзилган бу мумтоз асарида антропоген ландшафтшуносликни мутахассислик фанлардан бири эканлиги, фаннинг тадқиқот объекти ва предмети, шунингдек, антропоген ландшафтшунослик табиий географиянинг синтез қиладиган янги илмий-назарий йўналиши эканлиги таъкидланган [5, 3-6.]. Мазкур асарда Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари антропоген ландшафт сифатида ҳар томонлама ўрганилган. Бугунги кунда “Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари ва геозологияси” номли монография олий таълим муассасаларида антропоген ландшафтшунослик соҳаларидаги муаммоларни ўрганишнинг муҳим манбаи бўлади. Афсуски, у кам ададда нашр қилингани учун кўпгина тадқиқотчилар ва талабаларга етиб бормаган.

Юқоридаги таҳлиллар мамлакатимизда антропоген ландшафтшунослик соҳасида географик тадқиқотлар давом этаётганини кўрсатади ҳамда академик В.П.Максаковский таъкидлаган антропоген ландшафтшунослик соҳасидаги тадқиқотларда ҳамон табиий географлар етакчилик қилаётганини тасдиқлайди.

**Хулоса.** Антропоген ландшафтшунослик табиий географиянинг синтез қиладиган янги илмий-назарий йўналиши сифатида мамлакатимизда ривожланмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар мазмунида юртимиздаги дарё водийлари, тоғоралиғи ботиқларида кенг тарқалган воҳа ландшафтларини самарали ташкил этиш, геозологияси ва муҳофаза масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилаётган ишлар академик В.П.Максаковский таъкидлаган антропоген ландшафтшунослик соҳасидаги тадқиқотларда ҳамон табиий географлар етакчилик қилаётганини тасдиқлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдулқосимов А.А. Роль антропогенного фактора в формировании современных ландшафтов // Вопросы природного районирования Узбекистана. - Ташкент, 1966. - С.46-52.
2. Абдулқосимов А.А. Вопросы классификации антропогенных ландшафтов Средней Азии // Науч. зап. Воронежского отд. Географич. общ. СССР. - Воронеж, 1966. - С.26-30.
3. Абдулқосимов А.А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1983. - 126 с.
4. Абдулқосимов А.А., Давронов К.К. Структура ландшафтов межгорных котловин Средней Азии. – Ташкент, 2015. - 224 с.
5. Абдулқосимов А.А., Абдурахмонова Ю.Х., Давронов К.К. Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари ва геозологияси. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2017. – 301 б.

6. Zokirov SH.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. – Toshkent: “Dizayn Press”, 2013. - 170 b.
7. Zokirov SH.S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. - Toshkent: “Turon zamin ziyo”, 2016. - 200 b.
8. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение на подходе ко второму столетию своей истории // Ландшафтоведение: теория, методы, региональные исследования, практика. Материалы XI Международной ландшафтной конференции. -М.: Географический факультет МГУ, 2006. – 778 с.
9. Максаковский В. П. Географическая культура. - М.: Владос, 1998. – 416 с.
10. Максаковский В.П. Географическая картина мира. В 2 кн. Кн. 1; Общая характеристика мира. – 4-е изд., испр. – М. : Дрофа, 2007. – 495 с. ил., карт.
11. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Тошкент, 2013. - 212 б.

Алимкулов Н.Р., Аллаёров Р.Х.\*

## ЛАНДШАФТЛАР БАРҚАРОРЛИГИДА БИОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА

**Аннотация.** Мақолада ландшафтлар барқарорлигида биологик омилларнинг роли Ўзбекистон мисолида ёритилган бўлиб, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари, минтақалардаги ландшафтлар хилма-хиллигини муҳофаза қилишнинг геоэкологик жиҳатларига эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** экотизим, биологик хилма-хиллик, ландшафт, геотизимлар, ландшафтлар хилма-хиллиги, геоэкологик вазият.

### О роли биологических факторов в устойчивости ландшафтов

**Аннотация.** В статье освещена роль биологических факторов в устойчивости ландшафтов в условиях Узбекистана, раскрыты геоэкологические аспекты охраны редких представителей растительного и животного мира, ландшафтного разнообразия в регионах.

**Ключевые слова:** экосистема, биологическое разнообразие, ландшафт, геосистема, разнообразие ландшафтов, геоэкологическая ситуация.

### On the role of biological factors in landscape sustainability

**Abstract.** This article summarizes the role of biological factors in the sustainability of landscapes in Uzbekistan and the geo-ecological aspects of the protection of the landscapes diversity of rare flora and fauna species in the regions were described.

**Key words:** ecosystem, biodiversity, landscape, geosystems, diversity of landscapes, geoecological situation.

**Кириш.** Ландшафт компонентлари орасида ўсимлик ва ҳайвонот олами алоҳида аҳамиятга эга. Гарчанд кўплаб олимлар ўсимлик ва ҳайвонот компонентини асосий эмас, балки иккиламчи омил сифатида қарашади, уларнинг хилма-хиллиги ландшафтлардаги барқарорликда муҳим ўрин тутди. Ландшафтларнинг ўсимликлари ландшафтда рўй берадиган кимёвий, физикавий ва биологик жараёнларнинг асоси ҳисобланган бирламчи органик модданинг шакллантирувчиси бўлса, ҳайвонот компоненти ундаги ўсимлик ҳосил қилган бирламчи органик моддани ўзгартирувчи ҳамда ландшафтнинг морфологик қисмлариаро ва ландшафтлараро модда ва энергия ташувчидир [8, 51 – 52-б].

Шунингдек, ўсимликлар ландшафтнинг ташқи қиёфасини акс эттиради (масалан, игна баргли ўрмонлар, тўқай ландшафти ва ҳ.к.) ҳамда тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этади, рельеф ва иқлим хусусиятларининг шаклланишида, ҳайвонот олами турлари ва уларнинг географик тарқалишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга, ҳайвонлар эса тупроқ ҳосил бўлиши ва умумдорлигининг ошишида, ўсимлик уруғларининг тарқалиши каби жараёнларда иштироки билан аҳамиятлидир. Шу боис бу икки компонент ландшафтнинг бошқа компонентлари сингари ўзаро бир-бири билан ва бошқа табиат компонентлари билан доимий алоқада бўлади.

**Асосий қисм.** Одатда, биологик хилма-хиллик дейилганда, тирик организмларнинг хилма-хиллиги, шунингдек экотизимлар, экологик мажмуалар ва улар мавжуд бўлган бўғинлар тушунилади. Биологик хилма-хиллик яшаш жой хилма-хиллиги, биосферадаги биотик жамоалар ва экологик

\* Алимкулов Нусратулла Раҳмонкулович – Низомий номидаги ТДПУ, География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири. E-mail: n-alimkulov-75@mail.ru

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли - Ғузур туманидаги 68-сонли давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати география фани ўқитувчиси. E-mail: allayorov\_1992@mail.ru

## МУНДАРИЖА:

## ОГЛАВЛЕНИЕ:

**ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ**  
**ФИЗИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ И ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЕ**

<b>Мамбетуллаева С.М., Кочкарова С.А.</b> Исследование сукцессионных процессов и потенциала растительного покрова на обсохшем дне Арала	3
<b>Абдулқосимов А., Аббасов С.Б., Сабирова Н.Т.</b> Чўл ландшафтларининг трансформацияланишига таъсир этувчи омиллар (Шарқий Қизилқум мисолида)	8
<b>Тошов Х.Р.</b> Александр Гумбольдт – янги давр табиий географиясининг асосчиси	11
<b>Холиқулов Ш.Т., Якубов Т.Б.</b> Шўртангаз кимё мажмуасининг атроф-муҳитга таъсири	14
<b>Шомуродова Ш.Ғ., Шарипов Ш.М.</b> Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида жойлашган туристик объектлар	18
<b>Эргашева М.К.</b> Ўзбекистонда антропоген ландшафтшуносликнинг ривожланиши	23
<b>Алимқулов Н.Р Аллаёров Р.Х.</b> Ландшафтлар барқарорлигида биологик омилларнинг роли ҳақида	26
<b>Эшқувватов Б.Б., Ярашев Қ.С.</b> Ўрта Зарафшон геотизимларини ландшафт-экологик тадқиқ қилишда замонавий методлардан фойдаланиш	29
<b>Холиқов Р., Абдурахмонов Д.</b> Ландшафтларнинг морфологик бирликларидаги вертикал ва горизонтал алоқалар	31

**ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ**  
**ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ**

<b>Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б.</b> Пути совершенствования административно-территориального устройства регионов Узбекистана: общественно-географический взгляд	35
<b>Аҳмадалиев Ю.И., Комилова Н.Ў.</b> Этноэкологик маданиятнинг географик жиҳатларини тадқиқ этиш йўналишлари	39
<b>Кононенко С.Н., Сафаров Х.Р.</b> К вопросу о влиянии ресурсного фактора на социальное развитие нефтедобывающих стран персидского залива	43
<b>Таштаева С.К., Бахрамова С.Ш.</b> Шаҳар агломерациялари ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш хусусиятлари	52
<b>Халмирзаев А.А.</b> Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари	55
<b>Тожиева З.Н., Сабирова М.Ш., Саипов У.М.</b> Ўзбекистоннинг замонавий геодемографик вазиятида никоҳ ва ажралиш жараёнлари	58
<b>Янчук С. Л., Саипов У.М.</b> Использование методов теории графов для выявления сети центральных мест на примере Андижанской области	62
<b>Қурбонов П.Р.</b> Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ривожланишининг иқтисодий географик жиҳатлари	66
<b>Мавлонов А.М.</b> Македониялик Александр бунёд этган шаҳарлар географияси	73
<b>Комилова Н.Қ., Облақулов Ҳ.А.</b> Ижтимоий географик тадқиқотларда “аҳолининг турмуш тарзи” тушунчасининг мазмун-моҳияти	76
<b>Комилова Н.Ў.</b> Табиатдан фойдаланиш тури ва тамойилларининг макон ва замонда ўзгариши	79
<b>Ражабов Ф.Т.</b> Қашқадарё вилоятида шаклланган чорвачиликнинг географик типлари	82
<b>Назаров М.И., Омонтурдиев А.</b> Худудий транспорт тизимлари шаклланиши ва ривожланишининг хусусиятлари (Сурхондарё вилояти мисолида)	84
<b>Жумаханов Ш.З., Тошпўлатов А.М.</b> Кичик худудларнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва муаммолари	88
<b>Абдалова З.Т.</b> Особенности формирования городского расселения Республики	